

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

30-сон  
(1102)  
2023 йил  
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

322. «Маъмурий ислоҳотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги ПФ-114-сон Фармони
323. «Туризм йўналишидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги ПҚ-238-сон қарори
324. «Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун тиббиёт кадрларини тайёрлаш ҳамда спортчиларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 июлдаги ПҚ-244-сон қарори
325. «Маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш ва спорт майдончаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбир-

лари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 июлдаги ПҚ-245-сон қарори

### ***Учинчи бўлим***

326. «Ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар муомаласи ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш соҳасидаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 июлдаги 319-сон қарори

### ***Бешинчи бўлим***

327. O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligining 2023-yil 11-iyuldagagi 254-mh-son hamda O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2023-yil 10-iyuldagagi 55-son “Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxslar (uyali aloqa kompaniyalari) tomonidan abonent raqamidan foydalanganlik uchun to‘lovlarni hisoblash va to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 21-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2329-8*)
328. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligining 2023-yil 10-iyuldagagi 01/14-14/24-son va Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2023-yil 3-iyuldagagi 27-son “Korporativ buyurtmachilarning xarid komissiyalari tomonidan dastlabki malaka tanlovini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi namunaviy nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 24-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3324-1*)
329. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2023-yil 14-iyuldagagi 59-son “Aktuar xizmatlarini ko‘rsatish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 24-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1975-4*)
330. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2023-yil 14-iyuldagagi 58-son “Sug‘ortalovchining muvaqqat ma’muriyati to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 24-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2058-2*)
331. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 27 июнданги 42-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 1 — 9-иловаларига ўзгартришилар киритиш ҳақида»ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-5)

332. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 5 июлдаги 48-сон «Утилизация қилинган табиий (машъал) газ бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2122-2*)
333. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 3 июлдаги 124-сон «Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521-2*)
334. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 6 июлдаги 52-сон «Давлат бошқаруви тизимининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг айrim идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3448*)
335. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 25 июлдаги 10-мҳ-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3250-1*)
336. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 20-iyuldagisi 62-2023/B-son “Doimiy asosda faoliyat ko‘rsatuvchi mehnat arbitraji to‘g‘risidagi namunaviy nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 26-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3449*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **322 *Маъмурий ислоҳотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\****

Республикада маданият ва туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича самарали ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг туризм хизматларини диверсификация қилиш, айниқса, маҳаллий ва хорижий туристлар учун экоҳудудлар, тоғ ва чўл ҳудудлари ҳамда сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарининг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланган ҳолда экотуризмни ривожлантириш ишларини амалга ошириш зарур.

Қолаверса, маданият соҳасида миллий маданиятни янада ривожлантириш, истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналари ва анъаналарини янада ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш учун барча шароитларни яратиш лозим.

Мазкур вазифаларни тезкор ҳамда янги ёндашув асосида сифатли ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

а) Маданият ва туризм вазирлиги негизида:

Маданият вазирлиги;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузурида Туризм қўмитаси;

б) Маданият ва туризм вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари негизида:

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари, туман (шаҳар) маданият бўлимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм бошқармалари ташкил қилинсин.

2. Белгилансинки, Маданият вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари, туман (шаҳар) маданият бўлимлари ҳамда Туризм қўмитаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари;

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 июляда эълон қилинган.

ри штат бирликлари Маданият ва туризм вазирлигининг мавжуд штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади.

3. Қўйидагилар:

Маданият вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Маданият вазирлиги тизимидағи муассасаларни қайта ташкил қилиш ва қайта номлаш дастури 2-иловага\* мувофиқ;

Маданият вазирлиги тизимида янги ташкил қилинаётган муассасалар рўйхати 3-иловага\* мувофиқ;

Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмаси 4-иловага\* мувофиқ;

Кинематография агентлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага\* мувофиқ;

Маданият ва санъат соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маданият ва санъат соҳасида таълимни тизимли ислоҳ қилиш, миллий мусиқа ва театр санъати, илмий-тадқиқот ишлари ва ижрочилик маҳоратининг янги тизимини жорий қилиш мақсадида қўйидаги чора-тадбирлар белгилансин:

а) миллий мусиқа санъати кластери яратилиб, соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш ҳамда малакасини ошириш тизимли йўлга қўйилади. Бунда:

миллий мусиқа санъати йўналишида таълим ва илмий-тадқиқот ишлари такомиллаштирилиб, ижрочилик маҳорати мактабларининг яхлит тизими жорий этилади;

бастакорлар, ҳофиз ва созандалар, баҳшичилик санъати вакилларининг ноёб асарлари ноталаштирилади;

таълим жараёнининг узлуксизлиги ва узвийлиги таъминланиб, назарий ва амалий билимларни интеграция қилиш орқали мақом, баҳши ва достон ижрочилиги йўналишларида истеъододли ёшлар селекцияси амалга оширилади;

б) давлат мусиқали, драма ҳамда қўғирчоқ театрларида ягона репертуар стратегияси асосида боявий, маънавий ва бадиий жиҳатдан пухта яратилган саҳна асарларини намойиш этиш, театр ва цирк санъати усталари томонидан «устоз-шогирд» анъаналари ва маҳорат мактаблари асосида таълим бериш тизими йўлга қўйилади;

в) номоддий маданий меросни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда унинг намуналарини аниқлаш, номоддий маданий мерос бўйича халқаро рўйхатлар ва реестрларга киритиш, рақамлаштириш, тарғиб қилиш ва сақлаш бўйича янги ташаббуслар ва лойиҳалар амалга оширилади ҳамда мазкур фаолият билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари фаолияти қўллаб-қувватланади.

5. Белгилансинки:

а) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, аҳолининг маданий ҳаётини янада

\* 2 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мазмунли ташкил этиш, айниқса, ёшларни маданият ва санъатга кенг жалб қилиш учун маданият марказларида:

босқичма-босқич замонавий жиҳозланган кутубхоналар ва кинотеатрлар ташкил этилади;

мусиқа чолғучилиги ва ашула ижрочилиги бўйича пуллик маҳсус курсларда ўқитиш тизими жорий этилади;

б) 2024 — 2026 йилларда халқаро фестиваллар, форумлар ва республика даражасидаги маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш ишлари босқичма-босқич хусусий секторга ўтказилади.

6. Маданият ва санъат соҳасида ахборот технологияларини ривожлантириш ва бошқарувни рақамлаштириш орқали хизмат кўрсатиш жараёнларини соддалаштиришга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи «ERP madaniyat» ягона бошқарув тизими жорий қилинсин:

маданият марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар, техникумлар фаолиятида бошқарув ва ташкилий жараёнларни рақамлаштириш бўйича ахборот тизимлари ишлаб чиқилади, ариза топшириш ҳамда битирганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни олиш бўйича давлат хизматлари Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва давлат хизматлари марказлари ахборот тизимлари билан интеграция қилинади;

маданият марказлари ва кўзи ожизлар учун адабиётларни буюртма асосида етказишга мўлжалланган ахборот тизимлари, ахолига аудиовизуал асарларни тақдим қилишга мўлжалланган маҳсус видео платформа ҳамда ёшларга миллий мусиқа чолғулари тўғрисида дастлабки таълимни беришга мўлжалланган «Cholg‘u.uz» мобиљ иловаси ишлаб чиқилади;

Маданият вазирлиги тизимидағи ташкилотларда тушумларни онлайн мониторинг қилишга мўлжалланган ахборот тизими ишлаб чиқилади ҳамда «UzASBO» автоматлаштирилган дастурий мажмуаси билан интеграция қилинади.

7. «Ўзбектеатр» ҳамда «Маданият таълими маркази» давлат муассасалари ташкил этилсин. Бунда, «Ўзбектеатр» ва «Маданият таълими маркази» давлат муассасаларининг штат бирликлари 7 ва 8-иловаларда\* келтирилган ташкилотларнинг умумий штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади ҳамда уларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан Маданият вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 9-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Маданият вазирлиги ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул

\* 7 — 9-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири ҳамда экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлими ўзгариши вазири белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 27 июль,  
ПФ–114-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 27 июлдаги  
ПФ–114-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

### **Маданият вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари**

Кўйидагилар Маданият вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари хисобланади:

- а) маданият ва санъат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, унда иштирок этувчи давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мазкур соҳаларда қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- б) соҳага оид комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, маданият соҳасида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-кувватлаш;
- в) маданият ва санъат, шу жумладан, театр, кино, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш;
- г) халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтириш, Янги Ўзбекистонда дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш;
- д) маданият ва санъат ҳамда кино санъатидан унумли фойдаланган ҳолда ижодий рақобатни ривожлантириш;
- е) номоддий маданий меросни ўрганиш, асрраб-авайлаш ва тарғиб қилиш, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш орқали ривожлантириш;
- ж) маданият соҳаси инфратузилмасини модернизация қилиш, босқич-ма-босқич рақамлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқенини ошириш;
- з) маданият ва санъат соҳаларида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномалар тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида таклифлар ишлаб чиқиш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**323 Туризм йўналишидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Туризм йўналишига қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, хусусий сектор учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали туризм инфратузилмасини янада такомиллаштириш, ахоли бандлигини ошириш, транспорт қатнови йўналишларини кенгайтириш, республиканинг туристик салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда тарғиб қилишни жадаллаштириш, шунингдек, соҳани давлат томонидан бошқаришда янги тартиб-таомилларни жорий қилиш мақсадида:

1. Республикага туристлар оқимини ошириш ва туроператорларга давлат томонидан қўшимча кўмаклар кўрсатиш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб:

а) туроператорлар томонидан туристик оқим паст бўлган хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикаси олиб келинган ҳар бир турист учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда 20 АҚШ долларидан 100 АҚШ долларигача бўлган эквивалентда рағбатлантирувчи субсидиялар ажратилсин.

Бунда, туристик оқим паст бўлган хорижий мамлакатлар рўйхати, олиб келинадиган туристлар сони ва рағбатлантирувчи субсидиялар миқдори ҳамда уларни бериш тартиби экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири томонидан тасдиқлансан;

б) туроператорлар ва авиааташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Сармарқанд, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортларига амалга оширилган чартер авиақатновлари бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир хорижий турист учун, у республика ҳудудида камида беш кечадан тунаб қолган тақдирда, 20 АҚШ доллари, қиши мавсумида (20 ноябрдан 20 февралгacha) эса 50 АҚШ доллари эквивалентида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қоплаб берилсан.

2. Мехмонхоналар сонини ва уларда хизмат кўрсатиш сифатини оширишни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб:

а) З юлдузли тоифа учун 60 та хонадан кам бўлмаган, 4 ва 5 юлдузли тоифа учун 120 та хонадан кам бўлмаган хоналар фондига эга беш қаватдан паст бўлмаган меҳмонхона 2026 йил 31 декабрга қадар фойдаланишга топширилган тақдирда, меҳмонхона тоифаси тасдиқлангач, инвесторларнинг янги меҳмонхонани қуриш (реконструкция қилиш бундан мустасно) ва жихозлаш учун кетган харажатларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Дав-

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 июляда эълон қилинган.

лат бюджети маблағлари хисобидан қўйидаги миқдорларда қоплаб бериш тизими жорий қилинсин:

3 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 40 миллион сўм;

4 ва 5 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 65 миллион сўм.

Бунда, республика бўйича тоифали (юлдузли) меҳмонхоналар мавжуд бўлмаган туман (шахар)ларда янгидан қуриладиган меҳмонхоналарга, мазкур харажатлар қўйидаги тартиб асосида 50 фоизга оширилган миқдорда қоплаб берилиши белгилансин:

дастлабки 2 та 4 ёки 5 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналарга;

дастлабки 3 та 3 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналарга;

б) 2026 йил 31 декабрга қадар дунёнинг таникли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан (меҳмонхона брендларининг топ-50 ва меҳмонхона тармоқла-рининг топ-5 рейтингига кирган) фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ташкилотларнинг роялти харажатлари франчайзинг тўғрисидаги шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан қўйидаги миқдорда қисман молиялаштирилсин:

3 юлдузли тоифага эга меҳмонхона учун — меҳмонхонанинг ҳар битта хонаси учун йиллик 200 АҚШ доллари эквивалентида;

4 юлдузли тоифага эга меҳмонхона учун — меҳмонхонанинг ҳар битта хонаси учун йиллик 400 АҚШ доллари эквивалентида;

5 юлдузли тоифага эга меҳмонхона учун — меҳмонхонанинг ҳар битта хонаси учун йиллик 600 АҚШ доллари эквивалентида.

Бунда, мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандида назарда тутилган субсидияларни қоплаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Туризмни қўллаб-куватлаш жамғармасига ҳар йили 150 миллиард сўм ўналтирилади;

в) 2025 йил 1 январга қадар тоифаси (юлдуз) бўлмаган жойлаштириш воситалари уч ва ундан юқори тоифа (юлдуз) олганда, уларнинг мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш бўйича харажатлари Туризмни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан қоплаб берилсин.

3. 2024 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларнинг саёҳат қилишлари учун қулай муҳит яратишга қаратилган «Тўсиқсиз туризм» дастури амалга оширилсин. Бунда:

ҳар йили «Саёҳат барча учун!» лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида минг нафардан ногиронлиги бўлган шахсларнинг республиқанинг туризм салоҳияти юқори бўлган шахарларига бепул саёҳатлари ташкил қилинсин;

туризм, маданий мерос, концерт-томуша обьектлари ҳамда аэропорт, авто ва темир ўйларидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз ҳаракатлаши учун зарур инфратузилма яратиш механизмлари жорий қилинсин.

4. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги икки ой муддатда:

«туроператор — меҳмонхона — транспорт — савдо ва сервис» хизматлари биргаликда кўрсатиладиган туристик кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

туристик хизматларни сертификатлаштириш ва туризм инфратузилмаси объектларини таснифлаш жараёни ҳамда жойлаштириш воситаларини туристлар томонидан QR-код орқали баҳолашнинг тўлиқ рақамлаштирилган тизимини жорий қилсан.

5. 2026 йил 1 июлга қадар етиб бориш қийин бўлган ва чекка жойларда (аҳоли яшаш пунктларидан камида 10 км ёки қаттиқ қопламали автомобиль йўлларидан 5 км узоқликда) алоҳида автоном инфратузилмани яратган ҳолда кемпинглар ташкил этган ва «сафари» туризми хизматларини кўрсатадиган юридик шахсларнинг мазкур фаолият тури бўйича мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиги ставкалари ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида белгилансин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йилдан бошлаб, ҳар йили 30 ноябряга қадар туристлар оқимини ошириш мақсадида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан келгуси йилда ўтказиладиган маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирлари, оммавий-маданий ва концерт-томуша ҳамда санъат ва кинематография тадбирларининг ягона тақвими шакллантирилади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Бунда, ягона тақвимга киритилган тадбирлар ҳалқаро, республика ва маҳаллий даражаларга ажратилган ҳолда шакллантирилади ҳамда тадбирлар ҳақида маълумотлар давлат тилида ва камида иккита хорижий тилда Туризм қўмитаси, Маданият вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг расмий веб-сайтлари, уларнинг тарбибот платформалари ва ижтимоий тармоқларда жойлаштириб борилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ туризм йўналишида ҳалқаро талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш тизимини жорий этиш мақсадида:

а) малакали кадрлар тайёрлаш йўналишида:

ҳалқаро даражада тан олинган таълим дастурларини «франшиза» асосида жалб қилиш йўлга қўйилади;

олий таълим дастурлари жаҳон рейтингида биринчи 100 таликка кирувчи нуғузли олий таълим ташкилотларининг таълим дастурлари асосида қайта кўриб чиқилиб, таълим йўналишлари бирлаштирилади;

З йиллик олий таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади;

таълим ташкилотларида таълим жараёнини амалиёт билан бирга олиб боришни назарда тутувчи амалиёт базаларини (туроператор, гид (гид-таржимон), меҳмонхона, транспорт хизматлари) ташкил этиш йўлга қўйилади;

олий ва профессионал таълим дастурларидаги ўқув жараёнини «блок-модуль» тизимига асосланган дуал таълим шаклида ташкил этиш йўлга қўйи-

лади. Бунда, ўқув режасидаги амалиётларни туризм мавсуми хисобланган ойларда йўлга қўйиш назарда тутилади;

касб стандартлари ва малака талабларини ишлаб чиқиш тизими йўлга қўйилади. Бунда, мазкур жарапнга жалб этилган мутахассисларнинг иш ҳаки харажатлари Туризмни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

б) туризм йўналишида кадрлар тайёрловчи давлат олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларининг туризм, сервис, меҳмонхона хўжалиги ва гид (гид-таржимон) таълим йўналишлари бўйича педагоглар учун ўрта ва қисқа муддатли ўқув курслари Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети ҳамда бошқа олий таълим ташкилотлари томонидан йўлга қўйилади. Бунда:

туризм йўналишидаги давлат олий таълим ташкилотларининг педагоглари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш — олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан (олий таълим ташкилоти нинг бюджетдан ташқари жамғармаси мавжуд бўлмаган тақдирда, тизимида ушбу ташкилотлар бўлган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан);

давлат профессионал таълим ташкилотлари педагоглари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш — тизимида ушбу ташкилотлар бўлган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университетига Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳамда Буюк ипак йўлида жойлашган давлатлар фуқаролари магистратурада давлат гранти асосида таълим олишлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 10 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда маблағлар ажратиб борилади.

8. Туризм соҳасини янада ривожлантириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

9. Маданият ва туризм вазирлигига қарашли бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-куватлаш жамғармаси ва Хавфсиз туризм жамғармаси Туризм қўмитасига ўтказилсан.

10. 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб қўйидаги талаблар бекор қилинсан:

турагентларнинг электрон тўловлар, бронь қилиш хизматларини кўрсатадиган камида иккита хорижий тилдаги веб-сайтга эга бўлиши;

туроператорларнинг электрон тўловлар хизматларини кўрсатадиган веб-сайтга эга бўлиши.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризм йўналишида амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдухакимов), Қорақалпоғистон

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимлари мазкур қарорга 2-иловада келтирилган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишига масъул этиб белгилансин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳоқимларни бир ой муддатда замонавий меҳмонхоналар, шу жумладан модулли меҳмонхоналар қуриш учун ҳар бир ҳудуддан камидаги 15 та ер участкаларининг электрон аукцион орқали савдоларга чиқарилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, тадбиркорлик субъектлари томонидан 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ҳисобига қуриладиган меҳмонхоналарга муҳандислик-коммуникация тармоқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан етказиб берилади.

13. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) шафелигида Халқаро туризм академияси Самарқанд кампуси қурилиши пурратчи ташкилот томонидан жалб қилинган кредит маблағлари, Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Экология жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилсин.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур кампус қурилишини молиялаштириш учун сарфланган маблағларни 2024 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутган ҳолда 2024 йил 1 майга қадар қоплаб берсинг.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўн кун муддатда Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-сессиясини ташкил этиш ва ўтказиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 10 миллиард сўм ҳамда Экология жамғармасидан 5 миллиард сўм Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилишини таъминласин.

15. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

З йил давомида республиканинг халқаро аэропортларига транзит авиақатновлар сонини кескин кўпайтиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон орқали парвоз» («Fly by Uzbekistan») дастурини;

темир йўл қатновлари сонини ошириш ва унда хизматлар сифатини яхшилашни назарда тутувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсан.

16. Ўзбекистон Республикаси аэропортларини хусусий шерикка бериш бўйича давлат комиссиясининг таркиби З-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Давлат комиссияси Урганч ва Бухоро аэропортларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида инвесторларга бериш ишларини жадаллаштириш.

17. Белгилаб қўйилсинки:

Туризм қўмитасига биринчи маротаба ишга қабул қилиш замонавий таълабларни ҳисобга олган ҳолда юксак профессионал вазифаларни самарали

\* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бажаришга қодир бўлган мутахассислар орасидан очик танлов асосида амалга оширилади;

Маданият ва туризм вазирлиги тизимидағи туризм соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар ўз хоҳишига кўра Туризм қўмитасига танловсиз ишга қабул қилинади;

Маданият ва туризм вазирлигига қарашли собиқ Туризм ва маданий месор вазирлигига тегишли бўлган бино ва иншоотлар ҳамда автотранспорт воситалари, ахборот-дастурий маҳсулотларни Туризм қўмитасига ўтказиша қайта расмийлаштириш учун йигимлар ундирилмайди.

18. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 27 июль,  
ПҚ-238-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**324 Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун тиббиёт кадрларини тайёрлаш ҳамда спортчиларга тиббий хизмат кўрсатиши тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 ноябрдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-414-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, спорт тиббиёти соҳасида кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш орқали спортчиларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қўйидагилар жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт тиббиёти йўналишини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

кадрлар тайёрлаш бўйича илфор инновацион, илмий-услубий технологияларни жорий этиш орқали ўқув жараёнларини спорт-таълим муассасалари ва миллий терма жамоалар билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш;

спорт тиббиёти йўналишида кадрлар тайёрлашда талабаларнинг амалий машғулот дарслари ҳамда амалиётини Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ташкил этиш орқали дуал таълим тизимини ривожлантириш;

хорижий мутахассислар (спорт шифокори, спорт диетологи, спорт физиологи, спорт фармакологи, спорт психологи)ни жалб қилган ҳолда спорт тиббиёти соҳасидаги ходимларнинг малакасини оширишни тизимли ўйлга қўйиш;

хорижий давлатларнинг илфор тажрибасини ўрганган ҳолда спорт шифокори ва спорт диетологи мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш орқали спортчиларга тиббий хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яхшилаш.

2. Белгилансинки:

а) жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт шифокори ва спорт диетологи мутахассисларини тайёрлаш бўйича Тошкент тиббиёт академияси бош олий таълим муассасаси ҳисобланади;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент тиббиёт академиясида «Спорт шифокори» ва «Спорт диетологияси (овқатланиш илми)» бўйича магистратура мутахассисликлари жорий этилади;

Тошкент фармацевтика институтида «Экспериментал ва спорт фармакологияси» магистратура мутахассислиги бўйича амалдаги ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари икки бараварга оширилади.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 июлда эълон қилинган.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахмонов) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (З. Мирзаев)нинг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Тошкент вилоятида соғлиқни сақлаш соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети хузурида ташкил этилган тиббиёт факультетини («Даволаш иши» таълим ўналиши) янада кенгайтириш орқали уни Тошкент тиббиёт академиясининг Чирчик филиали (кейинги ўринларда — Филиал)га айлантириш;

Филиалда спорт тиббиёти ва бошқа тиббиёт мутахассисликлари («Даволаш иши», «Фармацевтика», «Педиатрия») бўйича кадрлар тайёрлаш тизими ни йўлга қўйиш ҳамда Чирчик шахридаги барча турдаги тиббиёт муассасаларини Филиалга клиник-ўқув база сифатида биритириш;

Тошкент вилояти, Чирчик шахри, Аранча қўрғони, А. Яссавий маҳалласида жойлашган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги собиқ З-сонли оиласиий поликлиника, Чирчик шахри, А. Темур маҳалласида жойлашган Чирчик тиббиёт коллежининг бино-иншоотларини тегишли худуди билан бирга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Филиалга беғараз бериш;

Филиалга ажратилган бино ва иншоотларни заруратга кўра 2024/2025 ўқув йилига қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент тиббиёт академиясининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш ва Филиални ушбу обьектларга тўлиқ жойлаштириш;

б) Филиалнинг спорт тиббиёти бўйича («Спорт шифокори», «Спорт диетологи» ва «Спорт фармакологи») кадрлар тайёрлашга ихтисослашган факультетини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети бино-иншоотларининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш орқали спорт соҳасида кадрларни комплекс тайёрлаш бўйича «Чирчик спорт кластери» намунасини яратиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Филиалнинг спорт тиббиёти факультетини жойлаштириш учун тегишли бино-иншоотларни ажратиш ва уларни сақлаш харажатлари ҳамда талабаларини ётоқхона билан таъминлаш Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маблағлари хисобидан амалга оширилади;

Филиалга талабаларни қабул қилиш параметрлари Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Бунда, спорт тиббиёти («Спорт шифокори», «Спорт диетологи» ва «Спорт фармакологи») ўналишларига қабул параметрлари Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан тақдим этиладиган ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан шакллантирилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахмонов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (З. Мирзаев) 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма-

сини ривожлантириш дастури доирасида тиббиёт ва фармацевтика йўналишида кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро тажрибадан келиб чиқсан ҳолда ўқув-машғулотлар базасини яратиш, жумладан замонавий лаборатория, симуляция ускуналари ва бошқа ускуналарни харид қилиш ва ушбу йўналиш учун Филиалга ажратилган бино-иншоотларни реконструкция қилиш ва капитал таъмиrlаш чораларини кўрсин.

6. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев) билан биргаликда 2024 йил 1 январга қадар давлат спорт-таълим муассасаларининг янгиланган штат меъёрларини тасдиқласин.

Бунда, «Спорт шифокори», «Спорт диетологи» ҳамда «Спорт фармакологи» мутахассислиги бўйича штат бирликларига эҳтиёжи мавжуд бўлган давлат спорт-таълим муассасаларига ушбу штат бирликларини ажратиш назарда тутилсин.

7. Белгилансинки, давлат спорт-таълим муассасаларининг спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва спорт фармакологлари Тиббиёт ходимларининг қасбий малакасини ривожлантириш марказида белгиланган тартибда бепул малака оширади.

Бунда, ушбу мутахассисларнинг малака ошириши билан боғлиқ амалий дарслар Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ташкил этилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов):

маҳаллий ва хорижий мутахассислар (спорт шифокори, спорт диетологи, спорт физиологи, спорт фармакологи, спорт психологи)ни жалб қилган ҳолда доимий равишда спорт тиббиёти соҳасидаги мутахассислар учун ўқув курслари, семинарлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиб борсин;

2024/2025 ўқув йилига қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахмонов) билан биргаликда «70910233-Спорт тиббиёти» ҳамда «70910401-Гигиена: нутрициология» мутахассисликлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов) Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О. Қосимов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев) билан биргаликда:

бир ой муддатда миллий терма жамоа аъзоларига тайёргарлик ва мусобақалардан кейинги даврда юқори малакали маҳсус тиббий амалиёт ўтказиш хизматларини ташкил этиш бўйича Қуролли Кучлар бош ҳарбий клиник госпитали билан ҳамкорликни йўлга қўйсин;

Қуролли Кучлар бош ҳарбий клиник госпитали орқали спортчиларга юқори малакали маҳсус тиббий амалиёт ўтказиш билан боғлиқ бўлган харжатлар Давлат бюджети параметрларида спорт соҳасини ривожлантириш дастурлари учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишини назарда тутсин.

Бунда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Қуролли Кучлар бош ҳарбий клиник госпиталида юқори малакали маҳсус тиббий амалиёт ўтказиладиган спортчилар контингенти Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси

ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси томонидан Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

10. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилояти ҳокимликларининг Нукус, Андижон, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказнинг (кейинги ўринларда — Марказ) минтақавий филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Қўйидагилар Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

жойларда спортчиларнинг жисмоний ҳолати ва ривожланишини доимий назорат қилиб бориш, улардаги ўткир, сурункали касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш;

спорт-таълим муассасалари, шунингдек, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида фаолият олиб бораётган тиббиёт мутахассислари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда уларнинг професионал фаолиятига кўмаклашиш;

спорт-таълим муассасаларига спорт тиббиёти йўналишида илмий-методик ёрдам кўрсатиш;

спортчиларнинг касаллик ва жароҳатларини даволаш, шунингдек, уларга маҳсус ҳамда комплекс тезкор тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида тиббий-жисмоний тарбия диспансерлари вазифасини бажариш;

спортчиларнинг касаллик тарихини ўзида акс эттирувчи ягона электрон ахборот тизимини яратиш;

олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ҳамда ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларида тайёрланаётган професионал спортчиларни бир йилда икки маротаба чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказиш ва тиббий мониторинг олиб бориш;

генетик таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб, спортчиларни спорт турларига бириктириш ва селекция тизимини йўлга қўйиш.

12. Марказнинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлари;

тиббий хизматларни кўрсатиш ва бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамовга Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ҳамда бошқа нуфузли халқаро спорт мусобақаларирига спортчиларни комплекс тайёрлашга ажратилган бюджет маблағларининг бир қисмини спортчиларга чуқурлаштирилган тиббий хизматларни кўрсатиш учун Марказ ва унинг минтақавий филиалларига мақсадли йўналтириш ҳукуки берилсин.

13. Қорабалғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимлеклари:

бир ой муддатда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда Нукус, Андижон, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида давлат мулки бўлган бўш турган биноларни хатловдан ўтказсин ҳамда уларга Марказнинг минтақавий филиалларини текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирун;

уч ой муддатда минтақавий филиалларнинг фаолиятини йўлга қўйиш учун уларни зарур бўладиган жиҳозлар ҳамда тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш чораларини кўрсун.

14. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов) билан биргаликда уч ой муддатда давлат спорт-таълим муассасалари ўқувчилари, миллий терма жамоалар аъзолари ҳамда профессионал футбол ва бошқа спорт клублари спортчиларини жорий ва чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказиш тартибини тасдиқласин.

15. Белгилансинки:

Марказ тиббий-биологик ва тиббий-психологик жиҳатдан мусобақаларга тайёрлашни таъминловчи, спорт тиббиёти соҳасидаги ўқув услубий қўлланма ва ўқув дастурларини ишлаб чиқувчи ихтисослаштирилган спорт тиббиёт муассасаси ҳисобланади;

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб спорт тиббиёти соҳасидаги ўқув дастурлари ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш бевосита Марказ иштирокида амалга оширилади.

16. Иктиносидёт ва молия вазирлиги Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2024 йилдан бошлаб ҳар йили спорт-таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришда спорт-таълим муассасаларида таҳсил олаётган спортчи-ўқувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш учун зарур бўладиган маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари кенг ёритилишини ташкил этсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов ҳамда соғлиқни сақлаш вазири А.Ш. Иноятов белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 28 июль,  
ПҚ-244-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**325 *Маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш  
ва спорт майдончаларидан самарали фойдаланишни таш-  
кил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\****

Маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, спорт майдончалари тозалигини сақлаш ва атрофини ободонлаштириш бўйича ишларни тизимли йўлга кўйиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги «Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5282-сон ҳамда 2022 йил 11 апрелдаги «Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-201-сон қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги ПҚ-201-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллаларда ёшлар ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 5-бандида «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасидаги ғолиб ва совриндор бўлган ҳамда худудида спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳалла терма жамоалари учун универсал, стритбол ва воркаут спорт майдончаларини (кейинги ўринларда — спорт майдончалари) қуриш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида ғолиб ва совриндор бўлган ҳамда худудида спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳалла терма жамоалари учун 5 000 та спорт майдончаларини 2030 йилга қадар ташкил қилишнинг умумий параметрлари иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) 2024 йилдан бошлаб ҳар йили спорт майдончаларини ташкил қилиш учун кўшимча талаб этиладиган маблағларнинг Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

3. Белгилансинки:

а) спорт майдончаларини қуриш «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасидаги спорт мусобақаларининг республика босқичида ғолиб ва совриндор бўлган ҳамда худудида спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳаллаларда (кейинги ўринларда — спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳаллалар) амалга оширилади;

б) спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳаллаларда спорт майдончаларини қуриш ишларини амалга ошириш доирасида:

Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти — буюртмачи;

Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти 13-сон Жазони ижро этиш муассасаси — бош пурратчи ҳисобланади.

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 июлда эълон қилинган.

\*\* Илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, ушбу бандда назарда тутылган тадбирларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг маблағлари хисобидан амалга оширилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофик:

а) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳар йили:

1 январга қадар спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳаллалар рўйхатини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига спорт майдончаларини қуриш мақсадида тегишли ер участкасини белгиланган тартибда ажратиш учун тақдим этади;

1 марта қадар спорт майдончалари қурилиши лозим бўлган спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳаллаларнинг манзилли рўйхатини тасдиқлайди ва буюртмачига юборади;

1 апрелга қадар спорт майдончаларининг қурилишини молиялаштириш бўйича буюртмачи билан шартнома тузади ҳамда уни Газначилик хизмати кўмитасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkазади.

Бунда, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан буюртмачига буюртма қилинган спорт майдончалари қийматига teng маблағ тўлиқ ўtkазиб берилади. Буюртмачи томонидан тизимидағи ташкилотларга ишлаб чиқариладиган инвентарлар учун 100 фоиз маблағлар олдиндан тўлаб берилади;

б) буюртмачи ҳар йили:

1 марта қадар спорт майдончаларининг намунавий лойиҳасини Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан келишади, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади ҳамда уларнинг тегишли экспертизадан ўtkазилишини таъминлайди;

1 апрелга қадар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхат асосида молиялаштириш ҳажмларини кўрсатган ҳолда манзилли дастурни ишлаб чиқади ва вазирлик билан келишилган ҳолда уни тасдиқлайди;

15 апрелга қадар бош пудратчи билан пудрат шартномасини тузади ҳамда спорт майдончаларини қуриш ишларини амалга оширади;

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда қуриб битказилган спорт майдончаларининг маҳаллаларда қуриб битказилган спорт майдончаларини қабул қилиш бўйича худудий қабул қилиш комиссияларига (кейинги ўринларда — худудий қабул комиссиялари) белгиланган тартибда топширилишини таъминлайди;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

ушбу банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошисига мувофик спорт майдончаларини қуриш учун бир ой муддатда белгиланган тартибда ер участкалари ажратилишини таъминлайди;

қурилган спорт майдончалари тегишли худудий қабул комиссиялари томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олиниши ҳамда улардан самарали фойдаланилишини назорат қиласи.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги

«Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5282-сон қарори билан:

2021 — 2025 йилларда ҳудудларда бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турлари учун 1 164 та спорт майдончаларини ташкил этиш параметрлари тасдиқланганлиги;

ушбу параметрлар доирасида 2023 йилда жами 255 та спорт майдончалари қурилиши назарда тутилганлиги;

2021 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан мазкур қарор билан тасдиқланган дастур ва параметрлар тўлиқ бажарилгунга қадар хар йили 104 миллиард сўмдан маблағлар ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Белгилансинки, 2023 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги «Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5282-сон қарори доирасида:

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан заруратга кўра ҳудудида спорт майдончалари барпо этиладиган маҳаллалар рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига тақдим этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлеклари бир ой муддатда рўйхатдаги маҳаллаларда спорт майдончаларини барпо этиш учун белгиланган тартибда тегишли ер участкаларини ажратиш бўйича қарорлар қабул қиласи ва бу хақда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигини хабардор қиласи;

буюртмачи ташкилот томонидан тасдиқланган манзилли дастурга асосан икки ҳафта муддатда барпо этиладиган спорт майдончаларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади ҳамда молиялаштириш учун Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига тақдим этилади;

спорт майдончаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар бош пудратчининг бошка ҳаражатлари ҳисобидан қопланади;

буюртмачи ва бош пудратчи ўртасида спорт майдончаларини қуриш бўйича тузилган шартномалар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан ўн иш куни ичидан кўриб чиқилади ва тегишли хулоса тақдим этилади;

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги молиялаштируви асосида 2023 йил ва ундан кейинги йилларда олис ва чекка ҳудудларда жойлашган маҳаллалар ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари ҳудудида қурилган спорт майдончалари улар жойлашган ҳудудига қараб тегишлилиги бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимига ўтказилади ва сақланади. Бунда, спорт майдончалари бошка давлат ташкилотларига ҳам оператив бошқарув ҳукуқи асосида берилиши мумкин;

спорт майдончаларининг жойлашув худудидан қатъи назар (таълим ташкилотлари худудида дарсдан ташқари вақтларда), барча фуқаролар учун фойдаланиш бепул бўлади ва вақти чегараланмайди;

спорт майдончаларидан самарали ва мақсадли фойдаланишини ташкил этиш маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ва профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилади;

маҳаллаларда барпо этилган спорт майдончалари тозалигини сақлаш, атрофини ободонлаштириш ишларини бажариш учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан битта штат бирлиги ажратилади;

спорт майдончаларидан самарали фойдаланиш, уларнинг яроқлилигини таъминлаш ва жорий таъмирлаш балансда сақловчи томонидан амалга оширилади.

**7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:**

маҳаллалардаги умумий ўрта таълим мактабларига тегишли худудларда спорт майдончалари қурилишини инобатга олсин ва тегишлиchorалар кўрсин;

умумий ўрта таълим мактаблари худудида қурилган спорт майдончаларидан ўқувчилар, шунингдек, дарсдан ташқари ва ўқув жараёнига халақит бермайдиган вактларда маҳалла ахолисининг бепул фойдаланиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратсин.

**8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги худудий қабул комиссиялари томонидан спорт майдончалари қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ушбу объектлар бўйича давлат кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаб борсин.**

**9. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари билан биргаликда барпо этилаётган спорт майдончаларининг атрофида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида соғ экологик муҳит яратиш мақсадида мевали ва манзарали дараҳт кўчатларини экиш ҳамда объект атрофини кўқаламзорлаштириш чораларини кўрсин.**

**10. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ушбу қарорда назарда тутилган спорт майдончаларини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказсан ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.**

**11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига худудларда барпо этилган спорт майдончалари ҳамда уларда ташкил этилаётган оммавий спорт мусобақаларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.**

**12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва**

шахсий жавобгар этиб ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов ҳамда ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Куранбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 28 июль,  
ПҚ-245-сон

## УЧИНЧИ БЁЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ ҚАРОРИ

**326** Ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар муомаласи ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш соҳасидаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, шунингдек, ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар муомаласи ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш соҳасидаги фаолият турларини лицензиялаш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи Ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар муомаласи ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш соҳасидаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, химоя воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини, агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус материалларни ва маҳсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият учун лицензия бериш тартиби;

бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш фаолияти учун лицензия бериш тартиби;

лицензия олиш учун мурожаат қилиш тартиби ҳамда лицензия олиш талаблари ва шартлари;

лицензияловчи орган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хузуридаги Мудофаа саноати агентлиги) томонидан йигирма иш куни ичida талабгорнинг аризасини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш тартиби;

лицензия талабгори ёки лицензиат томонидан лицензияловчи орган ёки унинг мансабдор шахси қарорлари ёхуд ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳамда уни кўриб чиқиш муддатлари, тартиби ва шартлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 31 июлда эълон қилинган.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Б.Н. Курбанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 28 июль,  
319-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2023 йил 28 июлдаги 319-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар муомаласи  
ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини  
тугатиш ва қайта ишлаш соҳасидаги фаолият турларини  
лицензиялаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, химоя воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини, агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус материалларни ва маҳсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) (кейинги ўринларда — бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш) ва қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**лицензия** — юридик шахснинг ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар муомаласи ёки бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишга бўлган хуқуқини тасдиқловчи, чекланмаган муддатга бериладиган ҳужжат;

**лицензиялаш** — лицензия олиш тўғрисидаги аризани топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш, лицензияни бериш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, шунингдек, лицензияни тугатиш, қайта расмийлаштириш ва ўзгартириш ҳамда унинг дубликатини бериш жараёни билан боғлик тартиб-таомиллар мажмуи;

**лицензияловчи орган** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги;

**лицензиат** — тегишли фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахс;

**маҳсус ускуна** — ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш, тугатиш ва қайта ишлашда ўзига хос (ностандарт) технологик операцияларни бажариш учун ишлатиладиган машиналар, дастгоҳлар ва агрегатлар;

**қурол** — тузилишига кўра жонли нишон ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар;

**қурол-яроғ** — қурол-яроғ ва уни қўллашни таъминловчи техник воситалар ҳамда ўқ-дорилар жамланмаси;

**қурол-яроғ, ўқ-дорилар, ҳимоя воситалари, ҳарбий техниканинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборлари** — катта (таркибий) буюмнинг таркибий қисмлари ва деталлари, шунингдек, уни эксплуатация қилиш учун керак бўладиган қисмлари ва деталлари, уларни таъмирлаш (буюмнинг соз ва ишлашга лаёқатли ҳолатини сақлаш ёки қайта тиклаш) мақсадида фойдаланиладиган шундай қисмини алмаштириш учун мўлжалланган қисмлар, деталлар;

**талабгор** — лицензияни олиш учун мурожаат қилган юридик шахс;

**ўқ-дорилар** — қуролнинг жонли нишон ёки бошқа нишонни уриш учун мўлжалланган ҳамда таркибида портловчи, порохли, улоқтирувчи, пиротехник ёки уриб чиқарадиган моддалар ёхуд уларнинг бирикмаси мавжуд бўлган ашёлари, шу жумладан, улоқтириладиган ашёлари;

**ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулот** — қурол-яроғ, ўқ-дорилар, ҳимоя воситалари, ҳарбий ва маҳсус техникалар, уларнинг бошқа саноат тармоқларида фойдаланилмайдиган эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари, приборлари, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус материаллар, маҳсус асбоб-ускуналар ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуки объектлари;

**ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун маҳсус материаллар** — ҳарбий мақсадга мўлжаллаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотдан қатъи назар, қўйиладиган алоҳида талабларга мос келадиган материаллар;

**ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни қайта ишлаш** — ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни унинг эксплуатация муддати туғагандан сўнг саноат йўли билан қайта ишлаш ва (ёки) шундай маҳсулотдан олинган хомашё, моддалар ва материаллардан такориий фойдаланиш орқали ишлатиш;

**ҳарбий техника** — жанговар ҳаракатларни амалга ошириш ва таъминлаш, қўшинларни ўқитиш ҳамда уларнинг белгиланган мақсадда фойдаланишга тайёрлик даражасини таъминлаш учун мўлжалланган техника;

**ҳарбий-техника воситалари** — қуролли кучларнинг жанговар ҳаракатларини ва доимий фаолиятини таъминлайдиган техник воситалар;

**ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни тугатиш (йўқ қилиш)** — ҳарбий мақсадга мўлжалланган ва бугунги шароитда атроф-муҳит ва аҳоли учун бартараф этиб бўлмайдиган хавф туғдирадиган маҳсулотни у буткул йўқ қилингунича қайта ишлаш;

**ҳимоя воситалари** — инсонни ва ҳарбий техникани совук, ўқ отар

қуролнинг физик таъсиридан, шунингдек, парчалардан химоя қилиш учун фойдаланиладиган воситалар.

3. Мазкур Низомга мувофиқ қўйидаги фаолият турлари лицензияланади:

қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, химоя воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини, агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус материалларни ва маҳсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш;

бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш.

4. Ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш фаолияти Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолиятни ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга 1-иловадаги\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат муассасалари мазкур Низомнинг З-бандида назарда тутилган фаолиятнинг лицензияланадиган турларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ёхуд Вазирлар Маҳкамаси қарорларида кўзда тутилган фаолият турларини амалга ошириш шарти билан тегишли лицензия олмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

7. Ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолиятни ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш фаолияти учун лицензия давлат сирларини ёки қонунчиликка мувофиқ фойдаланилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган лицензия ҳисобланади.

8. Лицензияни бериш, беришни рад қилиш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш, ўн кунгача муддатга тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, шунингдек, лицензияни ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги томонидан ушбу Низомнинг 4 ва 5-бобларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлигининг эксперт комиссияси (кейинги ўринларда — ишчи орган) лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни қўриб чиқади ва улар бўйича хуносалар тайёрлайди.

9. Лицензия ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ шаклда берилади. Бунда талабгорнинг аризасига биноан лицензия лицензияланадиган фаолият турининг кичик турига ёки ушбу Низомнинг З-бандида қайд этилган барча фаолият турлари учун берилиши мумкин.

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Лицензия лицензияловчи орган томонидан чекланмаган муддатга берилади.

11. Лицензия талаблари ҳамда шартлари мазкур Низомга 3 ва 4-иловалардаги<sup>\*</sup> паспортларнинг 9-позициясига мувофиқ белгиланади.

## **2-боб. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар**

12. Талабгор лицензия олиш учун мазкур Низомга 3 ва 4-иловалардаги паспортларнинг 5-позициясида белгиланган ҳужжатларни тақдим этади.

Талабгордан ушбу Низомга 3 ва 4-иловалардаги паспортларнинг 5-позициясида кўрсатилган ҳужжатлардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

13. Лицензияловчи органга талабгор томонидан ҳужжатлар бевосита, Давлат фелдъегерлик хизмати ёки республика маҳсус алоқа тармоғи орқали тақдим этилади.

14. Лицензияловчи органга ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган тартибда келиб тушган вактдан бошлаб рўйхатга олинган деб ҳисобланади.

## **3-боб. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

15. Лицензияловчи орган томонидан талабгорнинг аризасини кўриб чиқиш учун ушбу Низомга 3 ва 4-иловалардаги паспортларнинг 6-позициясида белгиланган миқдорда йиғим ундирилади.

16. Талабгорнинг аризасини кўриб чиқиш учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисобварафига Мудофаа саноати комплексини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаларидан бири сифатида ўтказилади.

Талабгор берилган аризадан воз кечганда ёки лицензияловчи орган талабгорга лицензия беришни рад этган тақдирда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

17. Талабгорнинг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга улар қабул қилиб олинган кундан эътиборан лицензияловчи органга кўриб чиқиш учун киритилади.

Ишчи орган тақдим этилган ҳужжатларни ўн беш иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқади ва улар бўйича лицензияни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида хulosса тақдим этилади.

Лицензияловчи орган беш иш кунида ишчи орган хulosаси асосида лицензияни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Лицензияловчи орган талабгорнинг лицензия талаблари ва шартларига мос келишини аниқлаш учун ўз маблағлари ҳисобидан:

талабгорнинг лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун талаб этиладиган шароитларини жойига бориб аниқлайди;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (кўрсатиладиган хизматлар ва бажариладиган ишлар) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норма-

\* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тив хужжатларга мувофиқлигини белгиланган тартибда баҳолашни ташкил этади;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида эксперталарни жалб қилади.

18. Лицензияловчи орган лицензия бериш түғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг бир иш куни ичидаги реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддатини кўрсатган ҳолда, талабгорни ёзма шаклда хабардор қилади.

19. Лицензия қатъий ҳисобда турадиган, ҳисобга олиш сериясига, рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга маҳсус бланкларда расмийлаштиради.

20. Лицензиялар талабгор томонидан давлат божи тўланганидан сўнг расмийлаштирилади ва берилади.

Расмийлаштирилган лицензиялар лицензияловчи орган раҳбари томонидан имзоланади. Ушбу Низомнинг 8-бобида белгиланган тартибда лицензиялар реестрига тегишли ёзувлар киритилади.

21. Лицензия беришни рад этишга қўйидагилар асос бўлиши мумкин:

талабгор томонидан лицензия бериш учун зарур хужжатларнинг тўлиқ тақдим этмаслиги;

талабгорнинг лицензия талаблари ва шартларига номувофиқлиги;

талабгор томонидан тақдим этилган хужжатларда сохта, ёлғон ёки нотўғри, шунингдек, ноаник маълумотлар кўрсатилганлиги;

ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият турларини ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш фаолиятига тааллуқли қисмлар, шу жумладан, таклиф қилинган экспертлар томонидан ўтказилган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ҳамда техник баҳолашларнинг якунлари бўйича салбий хулоса берилганлиги.

22. Лицензияни беришни мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан ёхуд бошқа асосларга кўра, шу жумладан, қўйидаги ҳолларда рад этишга йўл қўйилмайди:

ходимларнинг касбий малакаси лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш технологияси бўйича талабларга мувофиқ бўлмаганда;

тақдим этилган хужжатлар ва маълумотлар қонунчилик хужжатлари талабларига номувофиқ бўлганда;

лицензия талабларига ва шартларига мувофиқ фойдаланиладиган бино ва иншоотлар санитария-эпидемиологик ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлмаганда.

Талабгор лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш түғрисидаги қарори, шунингдек, лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

23. Ушбу Низом 21-бандининг иккинчи хатбошиси ва 22-бандининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар аниқлан-

ганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, лицензияловчи орган уларни бартараф этиш учун талабгорга муддат беради. Камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарнома лицензияловчи орган томонидан талабгорга бир иш куни ичida юборилади.

24. Хабарнома тақдим этилган хужжатларда аникланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек, талабгор кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли хужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади. Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

25. Хабарнома юборилган кундан бошлаб, лицензияни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

26. Хужжатлар хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран тақдим этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензияни беришни рад этиш хақида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда лицензияни беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

27. Лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома талабгорга рад этиш сабаблари ва талабгор мазкур сабабларни бартараф этиб, хужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади.

Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этишга ва хужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам, лекин ўттиз иш кунидан кўп бўлмаслиги керак.

28. Талабгор лицензияни бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, хужжатларни такроран кўриб чиқиш, лицензия бериш ёхуд беришни рад этиш талабгорнинг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш куни ичida лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади. Талабгорнинг аризасини такроран кўриб чиқсанлик учун йигим ундирилмайди.

Ишчи орган тақдим этилган хужжатларни уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда қайта кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида эксперт хulosасини тайёрлайди.

Лицензияловчи орган ишчи орган хulosалари асосида икки иш куни мобайнида лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

29. Талабгорнинг аризасини қайта кўриб чиқишида илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

30. Талабгорнинг лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабар-

номада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин тақдим этилган аризаси янгидан берилган ариза ҳисобланади ва лицензияловчи орган томонидан умумий асосларда қўриб чиқилади.

31. Агар лицензияловчи орган талабгорнинг аризасини қўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида талабгорга лицензияни бермаса ва уни беришни рад этмаса, ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган муддатлар ўтганидан кейин талабгор амалга оширилиши учун лицензия олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш хукуқига, бу ҳақда лицензияловчи органни ёзма шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади.

32. Ушбу Низомнинг 31-бандида назарда тутилган ҳолда талабгор белгиланган давлат божини ёки йифимни тўлаганидан кейин унга лицензия берилади. Бунда талабгор лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда лицензияловчи органлар эҳтимол тутилган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

#### **4-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш, ўзгартириш ва унинг дубликатини бериш**

33. Қўйидаги ҳолатларда лицензия қайта расмийлаштирилади:

лицензиат қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) фаолият турлари бўйича ўзгарганда;

янги ташкил этилган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган санада бир хил турдаги лицензияланган фаолиятни амалга ошириш лицензиясига эга бўлган лицензиатлар қўшилганда;

фаолиятнинг лицензияланадиган кичик тури учун лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилганда ёки бир неча фаолият турлари бирлаштирилганда.

Лицензиат ёки унинг хукуқий вориси қайд этилган ўзгаришлар мавжуд бўлганда, лицензияловчи органга лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатлар илова қилинган аризани ўзгаришлардан сўнг беш иш куни ичida тақдим этиши шарт.

Талабгор томонидан хужжатлар лицензияловчи органга бевосита, Давлат фелдъегерлик хизмати ёки республика маҳсус алоқа тармоги орқали тақдим этилади.

34. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган ариза асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензия лицензияловчи орган томонидан лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида тегишли хужжатлар илова қилинган ариза олинган кундан бошлаб беш иш куни ичida қайта расмийлаштиради.

35. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия бериш тўғрисидаги ариза қўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида йифим ундирилади. Йифим суммаси лицензияловчи орган ҳисобварафига

Мудофаа саноати комплексини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаларидан бири сифатида ўтказилади.

36. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Дубликатни беришда лицензияловчи орган томонидан «ДУБЛИКАТ» белгиси қўйилган янги лицензия берилади.

37. Лицензия дубликатини тўғридан-тўғри беришда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилиб, лицензияловчи орган ҳисобварафига ўтказилади.

38. Лицензияни ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунининг 31-моддасида келтирилган ҳолатлар ва тартибда амалга оширилади.

#### **5-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш**

39. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, уни тугатиш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунининг мос равища 32 — 34-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

40. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят берилиши мумкин.

Суд томонидан лицензияловчи органнинг қарори асоссиз деб топилганда, лицензияловчи орган лицензиат олдида у кўрган зарап миқдорида жавобгар бўлади.

#### **6-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан давлат назорати**

41. Лицензиатларнинг фаолияти лицензияловчи орган томонидан назорат қилинади.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳукуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган, қонунчиликда белгиланган тартибда жойига чиқсан ҳолда, лицензия талаблари ва шартларига лицензиатнинг риоя этиши юзасидан текширув ўтказиш;

лицензия, талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан текширувлар ўтказилаётганда, юзага келадиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширувлар натижалари асосида лицензиатлар йўл қўйган лицензия талаблари ва шартларига доир қоидабузарликларни кўрсатган ҳолда, далолатномалар тузиш;

лицензиатлар зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш ва бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ лицензиялаш соҳасидаги ҳукуқбузарликлар учун юридик шахсларга жарима солиш тўғрисида судга ариза бериш;

лицензиялаш соҳасидаги ваколатларни амалга ошириш учун судга давлат божи тўламасдан аризалар бериш.

42. Лицензияловчи орган жисмоний ва юридик шахслар томонидан лицензиясиз фаолият билан шуғулланиш ҳолатларини аниқлаш учун белгиланган тартибда назорат тадбирларини ўтказишга ҳақли.

Бунда лицензияловчи орган томонидан фақат тегишли фаолият турларини амалга ошириш ҳукуқини тасдиқловчи хужжатлар мавжудлиги текширилади. Бошқа хужжатларни талаб қилиш тақиқланади. Назоратни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда тадбиркорлик субъектларини текшириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан белгиланган тартибда келишилган ҳолда амалга оширилади.

43. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилиб, бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органдага қолади.

44. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан давлат назорати қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан масофавий назорат;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини асослар мавжуд бўлганда жойига чиқсан ҳолда текшириш;

лицензиатларнинг фаолияти билан боғлиқ статистик ахборотни хамда улардан сўраб олинадиган маълумотларни таҳлил қилиш.

Ушбу банднинг биринчи қисми иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган назорат шакллари Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунинг 50-51-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу банднинг биринчи қисми тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда лицензияловчи орган томонидан лицензия талаблари ва шартлари билан боғлиқ бўлмаган маълумотларни таҳлил қилиш, текшириш ва талабгордан сўраш тақиқланади.

Лицензия эгаларининг фаолиятини назорат қилиш тадбирларини амалга оширишда лицензияловчи орган томонидан фаолият турларини лицензиялаш паспортида назарда тутилмаган талаб ва шартларнинг бажарилишини текшириш ёки талаб қилиш тақиқланади.

### **7-боб. Лицензиялаш соҳасида хуқуқбузарликлар бўйича жавобгарлик асослари**

45. Лицензиялаш тартиб-таомиллари соҳасидаги қўйидаги хуқуқбузарликларни содир этилганлик учун юридик шахсларга жарималар солинади:

- фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш;
- лицензияни қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олиш.

46. Жарималар лицензияловчи орган томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунининг 52 — 57-моддаларига асосан қўлланилади.

### **8-боб. Лицензиялар реестри**

47. Лицензиялар реестри лицензияловчи орган томонидан фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида босма шаклда берилган лицензияларни ҳисобга олиш китобида юритилади.

48. Лицензиялар реестрида қўйидагилар кўрсатилади:

- ташкилотнинг номи, жойлашиш ери (пошли манзили), солик тўловчининг идентификация рақами;
- лицензиялаш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турларини амалга оширувчи филиаллар тўғрисидаги ахборот;
- берилган лицензияларнинг, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномаларнинг санаси ва тартиб рақамлари;
- амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият (ҳаракатлар) тури (кичик тури);
- лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг дубликатини бериш ва амал қилишини узайтириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, уларни бекор қилиш асослари ҳамда саналари;
- лицензияларга ўзгартишлар киритиш асослари ҳамда саналари.

49. Лицензиялар реестри лицензиатларнинг давлат томонидан ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек, лицензия талаблари ҳамда шартларига мазкур шахслар томонидан риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш мақсадида юритилади.

50. Лицензиялар реестрини доимий юритиш ҳамда уларга тегишли ўзгартишлар киритиш лицензияловчи органга юклатилади.

### **9-боб. Лицензия берганлик учун ундириладиган давлат божи**

51. Ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолиятни ҳамда бўшатилётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайta ишлаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилганлиги ва унга ўзгартиришлар киритилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

52. Тўланган давлат божи миқдорининг 10 фоизи лицензияловчи орган ҳисобварафига Мудофаа саноати комплексини ривожлантириш жамғармаси-

ни шакллантириш манбаларидан бири сифатида ўтказилади. Давлат божининг қолган қисми Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилади.

53. Талабгор хабарнома юборилган кундан бошлаб ўттиз кундан ортик бўлмаган муддатда давлат божи тўловини амалга оширади.

Лицензияни бериш учун давлат божи тўлови белгиланган муддатда амалга оширилмаслиги ваколатли орган томонидан лицензияни бериш тўғрисидағи қарорни бекор қилиниши учун асос бўлади.

### **10-боб. Якунловчи қоидалар**

54. Юридик шахс лицензия олиш учун, лицензиат лицензия талаб ва шартларининг бажарилганлиги юзасидан лицензияловчи органга сохта, ёлғон ёки нотўғри маълумотлар берганлиги учун қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

55. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 28 июлдаги 319-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, ҳимояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус материалларни ва маҳсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият турларини ҳамда бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 26 мартағи 237-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 205-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2020 йил 16 июндаги 384-сон қарорига 1-илованинг 28-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурол муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 26 декабрдаги 810-сон қарорига 3-илованинг 23-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматлари кўрсатишнинг инфрату-зилмаси такомиллаштирилганлиги ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2021 йил 28 октябрдаги 661-сон қарорига илованинг 14-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 28-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарорига 4-илованинг 69-банди.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 RAQAMLI TEKNOLOGIYALAR VAZIRLIGI  
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING  
 QARORI

**327** **Mobil aloqa xizmatlarini ko'rsatuvchi yuridik shaxslar (uyali aloqa kompaniyalari) tomonidan abonent raqamidan foydalanganlik uchun to'lovlarni hisoblash va to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
21-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2329-8*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son “Yangi O'zbekiston ma'muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi va 2023-yil 24-maydagi PF-76-son “Ma'muriy islohotlar doirasida raqamlı texnologiyalar sohasida davlat boshqaruvini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi farmonlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi hamda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2012-yil 1-fevraldagagi 2-yu va 7-son qarori (ro'yxat raqami 2329, 2012-yil 21-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2012-y., 8-9-son, 89-modda) bilan tasdiqlangan Mobil aloqa xizmatlarini ko'rsatuvchi yuridik shaxslar (uyali aloqa kompaniyalari) tomonidan abonent raqamidan foydalanganlik uchun to'lovlarni hisoblash va to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Raqamli texnologiyalar vaziri**

**Sh. ShERMATOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 11-iyul,  
254-mh-son

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 10-iyul,  
55-son

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 24-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Raqamli texnologiyalar vazirligining 2023-yil  
 11-iyuldagи 254-mh-son hamda Iqtisodiyot va  
 moliya vazirligining 2023-yil 10-iyuldagи  
 55-son qaroriga  
 ILOVA

**Mobil aloqa xizmatlarini ko'rsatuvchi yuridik shaxslar  
 (uyali aloqa kompaniyalari) tomonidan abonent raqamidan  
 foydalanganlik uchun to'lovlarni hisoblash va to'lash tartibi  
 to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 9-banddagи “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligiga” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vazirligiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 11-banddagи “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi huzuridagi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish jamg‘armasi” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vazirligi huzuridagi Raqamli texnologiyalarni rivojlantirish jamg‘armasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 11<sup>1</sup>-banddagи “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi huzuridagi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish jamg‘armasining” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vazirligi huzuridagi Raqamli texnologiyalarni rivojlantirish jamg‘armasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 12-banddagи “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi huzuridagi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish jamg‘armasiga” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vazirligi huzuridagi Raqamli texnologiyalarni rivojlantirish jamg‘armasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

5. 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi abonent raqamidan foydalanganlik uchun to'loving hisoblangan va to'langan summalarini to'g'risidagi yig‘ma axborotni har oyda hisobot oyidan keyingi oyning 15-sanasidan kechiktirmay mazkur Nizomning 2-ilovasida keltirilgan shakl bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga taqdim etadi.”.

6. 15-banddagи “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING  
QARORI

**328** Korporativ buyurtmachilarining xarid komissiyalari tomonidan dastlabki malaka tanlovini o'tkazish tartibi to'g'risidagi namunaviy nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
24-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3324-1*

O'zbekiston Respublikasining "To'lovga qobiliyatsizlik to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq, O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi va Moliya vazirligining 2021-yil 13-sentabrdagi 01/11-07/13 va 53-son qarori (ro'yxat raqami 3324, 2021-yil 9-oktabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 09.10.2021-y., 10/21/3324/0946-son) bilan tasdiqlangan Korporativ buyurtmachilarining xarid komissiyalari tomonidan dastlabki malaka tanlovini o'tkazish tartibi to'g'risidagi namunaviy nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Davlat aktivlarini boshqarish  
agentligi direktori**

**A. ORTIKOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 10-iyul,  
01/14-14/24-son

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 3-iyul,  
27-son

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 24-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Davlat aktivlarini boshqarish agentligining  
2023-yil 10-iyuldaggi 01/14-14/24-son va  
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2023-yil  
3-iyuldaggi 27-son qaroriga  
ILOVA

**Korporativ buyurtmachilarining xarid komissiyalari  
tomonidan dastlabki malaka tanlovini o'tkazish tartibi  
to'g'risidagi namunaviy nizomga kiritilayotgan  
o'zgartirishlar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ushbu Namunaviy nizom korporativ buyurtmachilarining xarid komissiyalari  
tomonidan xarid qilish tartib-taomillarida ishtirok etish uchun salohiyatlari  
(potensial) ishtirokchilarning dastlabki malaka tanlovini tashkil etish, o'tkazish  
tartibi hamda ularning ishonchlilagini baholash mezonlarini belgilaydi.”.

2. 14-bandning sakkizinch xatboshisi va 16-bandning uchinchi xatboshisidagi  
“bankrotlik” degan so‘z “to‘lovga qobiliyatsizlik” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG'I

**329** “Aktuar xizmatlarini ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 24-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1975-4*

O'zbekiston Respublikasining “Sug'urta faoliyati to'g'risida”gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son “Yangi O'zbekiston ma'muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmoni va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-iyundagi 305-son “Aktuariy malaka sertifikatini berish bo'yicha davlat xizmatlarini ko'rsatishning ma'muriy reglamentini tasdiqlash to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2009-yil 7-apreldagi 42-son “Aktuar xizmatlarini ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug'iga (ro'yxat raqami 1975, 2009-yil 26-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 26-son, 309-modda) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 14-iyul,  
59-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 24-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
iqtisodiyot va moliya vazirining 2023-yil  
14-iyuldagи 59-son buyrug'iiga  
ILOVA

**“Aktuar xizmatlarini ko'rsatish tartibi to‘g‘risidagi  
nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa kiritilayotgan  
o‘zgartirishlar**

1. Buyruqning muqaddimasidan “(O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2002-y., 4-5-son, 68-modda)” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

2. Nizomda:

a) muqaddimadan “Sug‘urta faoliyati to‘g‘risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga (O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2002-y., 4-5-son, 68-modda) muvofiq” degan so'zlar chiqarib tashlansin;

b) 2-bandning ikkinchi xatboshisidan “maxsus vakolatli davlat organi tomonidan belgilangan tartibda” degan so'zlar chiqarib tashlansin;

v) 26-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Moliya vazirligi huzuridagi Sug‘urta bozorini rivojlantirish agentligiga (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi)” degan so'zlar “Iqtisodiyot va moliya vazirligiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

g) 27-banddagi “Agentlikka” degan so'z “O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG'I

**330** “Sug‘urtalovchining muvaqqat ma’muriyati to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
24-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2058-2*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF-269-son “Yangi O‘zbekiston ma’muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman**:

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2009-yil 20-noyabrdagi 108-son “Sug‘urtalovchining muvaqqat ma’muriyati to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 2058, 2009-yil 22-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 52-son, 582-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 14-iyul,  
58-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 24-iyulda e’lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
iqtisodiyot va moliya vazirining 2023-yil  
14-iyuldagи 58-son buyrug'iغا  
ILOVA

**"Sug'urtalovchining muvaqqat ma'muriyati to'g'risidagi  
nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa kiritilayotgan  
o'zgartirishlar**

1. Buyruqning muqaddimasidan "(O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2002-y., 4-5-son, 68-modda)" degan so'zlar chiqarib tashlansin.

2. Nizomda:

a) muqaddimadan "O'zbekiston Respublikasining "Sug'urta faoliyati to'g'risida"gi Qonuniga (O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2002-y., 4-5-son, 68-modda) muvofiq" degan so'zlar chiqarib tashlansin;

b) 3-banddagi "Moliya vazirligining (bundan buyon matnda Moliya vazirligi deb yuritiladi)" degan so'zlar "Iqtisodiyot va moliya vazirligining (bundan buyon matnda vakolatli davlat organi deb yuritiladi)" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

v) 8-banddagi "Moliya vazirligi" degan so'zlar "vakolatli davlat organi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

g) 17-banddagi "(Moliya vazirligi, sug'urtalovchini tugatish to'g'risidagi Moliya vazirligining arizasi yo'llangan sud va sug'urtalovchi uchun bittadan)" degan so'zlar "(vakolatli davlat organi, sug'urtalovchini tugatish to'g'risidagi ariza yo'llangan sud va sug'urtalovchi uchun bittadan)" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

d) 18-banddagi "Moliya vazirligiga" va "Moliya vazirligining arizasi" degan so'zlar tegishli ravishda "vakolatli davlat organiga" va "ariza" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

e) 20-bandning to'rtinchi xatboshisidagi "Moliya vazirligining" degan so'zlar "vakolatli davlat organining" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**331** «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 1 — 9-иловаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида<sup>\*</sup>

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-5*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 21 апрелдаги ПҚ-214-сон «Касаначиликни ривожлантириш асосида ахоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 3221, 2020 йил 24 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2020 й., 10/20/3221/0203-сон) 1 — 9-иловалари иловага\*\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2023 йил 27 июнь,  
42-сон

**Ш. КУДБИЕВ**

\* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 июлда эълон қилинган.  
\*\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**332** «Утилизация қилинган табиий (машъал) газ бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартаришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2122-2*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Конунининг 7-моддасига мувофиқ буюраман:

1. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 5 июль,  
48-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 26 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил  
5 июлдаги 48-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-хуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2010 йил 21 июндаги 49, 2010-25-сон «Утилизация қилинган табиий (машъал) газ бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2122, 2010 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 240-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2016 йил 6 июндаги 43, 2016-22-сон «Утилизация қилинган табиий (машъал) газ бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига ўзгартериш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2122-1, 2016 йил 14 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 24-сон, 301-модда).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**333 Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4819-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2013 йил 30 октябрдаги 21-сон қарори (рўйхат рақами 2521, 2013 йил 7 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 45-сон, 596-модда) билан тасдиқланган Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2023 йил 3 июль,  
124-сон

**А. ВОИТОВ**

*Келишилди:*

*Иқтисодиёт ва молия вазири*

*Ш. КУДБИЕВ*

2023 йил 22 июнь

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 26 июлда эълон қилинган.

*Ўзбекистон фермер, дәҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер  
эгалари кенгаши раиси*

*A. ХАИТОВ*

2023 йил 17 июнь

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил  
3 июлдаги 124-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини  
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қўйидаги тахрирда баён этилсин:

**«тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачиси** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (бундан бўён матнда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги деб юритилади);

**тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси** — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар.».

2. 5, 13, 18-бандлардаги «Давергеодезкадастр қўмитаси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6-банд, 8-банднинг еттинчи хатбошиси, 12-банднинг тўртинчи хатбошиси ва 24-банддаги «Давергеодезкадастр қўмитасининг» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 10-банддаги «туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (раис ўринбосари), туман қишлоқ хўжалиги бўлими» деган сўзлар «туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи (раис ўринбосари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 14-банднинг олтинчи хатбошисидаги «туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан» деган сўзлар «туман қишлоқ хўжалиги бўлимидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 21-банддаги «(вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси)» деган сўзлар «(вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 29-банддаги «Давергеодезкадастр қўмитаси ёки унинг худудий бошқарма (бўлим)лари» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ёки унинг худудий бошқарма (бўлим)лари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**334** Давлат бошқаруви тизимининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
25 июлда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3448*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 6 июль,  
52-сон

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил  
6 июлдаги 52-сон бўйруфига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги  
томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий  
хужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БХМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот»да (рўйхат рақами 474, 1998 йил 14 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон):

а) 54.2 ва 54.3-банлардаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 26 июлда эълон қилинган.

б) 64-баннадаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июля 17-07/86-сон билан тасдиқланган Молиявий хисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосда (рўйхат рақами 475, 1998 йил 14 авгууст) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 5-сон):

а) 1.1-баннадаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 3-баннадаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 4-баннадаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 1999 йил 21 декабрда тасдиқланган Қимматли қофозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 860, 1999 йил 28 декабрь) 1.3-банди саккизинчи хатбошисидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2002 йил 13 марта 2002-03-сон буйруғи (рўйхат рақами 1125, 2002 йил 15 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 7-сон) билан тасдиқланган Ҳужжатли қимматли қофозларни йўқ қилиш бўйича йўриқномада:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома чиқарилиши қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказиладиган ҳужжатли қимматли қофозларни муомаладан чиқариш ва йўқ қилиш тартибини белгилайди»;

б) 3-бандинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Қимматли қофозларни бекор қилиш кўзда тутилган санадан бир ой олдин эмитентлар бу тўғрисида қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини хабардор қилиши шарт.»;

в) 8-бандинг саккизинчи хатбошисидан «ёхуд унинг ҳудудий тузилмасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) 10-банндан «ёки унинг ҳудудий тузилмасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) 11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қимматли қофозларни йўқ қилиш тўғрисидаги далолатнома нусхасини қимматли қофозлари йўқ қилинган эмитентнинг умумий хужжатлари (иш) жилдига қўшиб қўйишга мажбур.».

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2003 йил 30 декабрдаги 2003-19-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1322, 2004 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 9-сон, 111-модда) билан тасдиқланган Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди олтинчи хатбошисидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Бош директорининг 2004 йил 10 июндаги 2004-13-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1384, 2004 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 28-сон, 325-модда) билан тасдиқланган Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қофозларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди ўн биринчи хатбошисидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 февралдаги 29, 2005-25, 01-02/8-3-сон қарори (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 105-модда) билан тасдиқланган Юридик шахсларга соликлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 18-банддаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 19-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг худудий бошқармалари ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-кунигача, маълумот учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солик қўмитасининг худудий бошқармаларига (импорт қилувчиларнинг юридик манзиллари бўйича) мазкур Низомга 2 ва 3-сон иловаларга кўра шакл бўйича божхона имтиёзлари берилган хўжалик юритувчи субъектларнинг реестрини юборадилар.»;

в) 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солик қўмитаси, давлат мақсадли жамғармалари ҳар чоракда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисо-

диёт ва молия вазирлигига бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган, уларга доир имтиёзлар бериладиган, ҳисоблаб ёзилган солиқлар, мажбурий тўловлар суммаси тўғрисида маълумотларни тақдим этадилар.»;

г) 21-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ҳар ойда, ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 20-кунига қадар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига вилоятлар бўйича божхона тўловлари турларига доир берилган имтиёзлар тўғрисида, шунингдек ҳар чоракда — божхона имтиёзлари берилган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича божхона тўловлари турларига доир маълумотларни юборади.».

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2007 йил 30 октябрдаги 2007-10-сон буйруғи (рўйхат рақами 1745, 2007 йил 5 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 494-модда) билан тасдиқланган Қимматли қофозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди олтинчи хатбосидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 7 майдаги 49-сон буйруғи (рўйхат рақами 1808, 2008 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 181-модда) билан тасдиқланган Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликларро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда ҳаражатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича низомда:

а) 9-банндаги «молия идораларида» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия идораларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 14-банндаги «молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 15-банндаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 22-банндаги «Молия вазирлиги Фазначилигининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 29-банндаги «молия идораларида» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия идораларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 31-банндаги «Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг худудий бўлимлари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясининг худудий бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 14 октябрдаги 101, 113 ва 2008-43-сон қарори (рўйхат

рақами 1868, 2008 йил 11 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 46-сон, 458-модда) билан тасдиқланган Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли худудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси худудий бўлинмалари «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланган аҳоли пунктлари чегараларидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг тегишли иқтисодиёт ва молия ҳамда солик органлари билан келишилган ҳолда, бориш қийин бўлган ва тоғли худудларда жойлашган аҳоли пунктларининг рўйхатини мазкур Йўриқнома 1-бандининг «а» кичик банди ва 2-бандига мувофиқ равиша тасдиқлайдилар ҳамда рўйхатдан ўтказувчи ва солик органларига юборадилар.».

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 30 январдаги 2009-05-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1911, 2009 йил 25 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 100-модда) билан тасдиқланган Қимматли қофозлар эгаларининг реестри тўғрисидаги низомнинг 1-банди ўн биринчи хатбошисидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 18 марта 2009-20-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1942, 2009 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 207-модда) билан тасдиқланган Қимматли қофозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-банди тўртинчи хатбошисидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 36-сон, 394-модда) билан тасдиқланган Қимматли қофозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қофозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларида:

- 1-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- б) 22<sup>1</sup>-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2010 йил 24 марта 24 ва 2010-15-сон қарори (рўйхат рақами 2107,

2010 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 йил, 21-сон 169-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш учун ўйналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солири бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1 ва 2-иловалар матнидаги «Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар «Солик инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 3 майдаги 37, 2010-20-сон қарори (рўйхат рақами 2111, 2010 йил 4 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 йил 22-сон, 180-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ихтиёрий равишда ўйналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солири бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-банндаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 12-банндаги «Давлат солиқ қўмитаси» ва «Молия вазирлигига» деган сўзлар тегишили равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солик қўмитаси» ҳамда «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 27 декабрдаги 108 ва 2010-52-сон қарори (рўйхат рақами 2185, 2011 йил 27 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 йил, 4-5-сон 38-модда) билан тасдиқланган Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги «молия органлари ва» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органлари ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 30 марта 2012/17-сон «Кимматли қофозлар марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорида (рўйхат рақами 2355, 2012 йил 26 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 199-модда):

а) номи ва 1-банндаги «Давлат солиқ қўмитасига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солик қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) илованинг номи ва муқаддимасидаги «Давлат солиқ қўмитасига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солик қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Кимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш

маркази бош директорининг 2012 йил 24 июлдаги 2012-13-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 369-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларининг 1-банди ўнинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 9 сентябрдаги 83-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2515, 2013 йил 9 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 553-модда) билан тасдиқланган Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шаклини тўлдириш қоидаларининг 2-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 16 октябрдаги 67-сон «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисбот шаклини тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2624, 2014 йил 10 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 46-сон, 553-модда) 2-бандининг «а» кичик бандидаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2016 йил 10 июндаги 2016-21-сон қарори (рўйхат рақами 2808, 2016 йил 12 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 340-модда) билан тасдиқланган Молиявий ва солик ҳисботларини алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида давлат солик хизмати органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди ўнинчи хатбошиси ва 13-бандидаги «Давлат солик қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солик қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 9 августдаги 61, 2016-24 ва 121-сон қарори (рўйхат рақами 2822, 2016 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 34-сон, 407-модда) билан тасдиқланган Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солик имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловаси изоҳ қисми учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2017 йил 5 июндаги 69 ва 2017-24-сон қарори (рўйхат рақами 2892, 2017 йил 22 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 27-сон 563-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадлари бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ортиқча тўланган суммасини қайтариш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат солик қўмитасига» деган

сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солик қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 21-банднинг биринчи хатбошисидаги «давлат солик бошқармаси» ва «Давлат солик қўмитасига» деган сўзлар тегишли равишда «солик бошқармаси» ҳамда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солик қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 22-баннда:

биринчи ва учинчи хатбошилардаги «Давлат солик қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солик қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, солик бошқармаси 2 иш кун ичida Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солик қўмитасига қайта ишланган хулосани тақдим этиши лозим.»;

г) 23-баннадаги «Давлат солик қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солик қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 1-илова матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солик қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 2-илова матнидаги «ДСИ бошлиғи» деган сўзлар «Солик инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2017 йил 31 июлдаги 116, 141 ва 2017-38-сон қарори (рўйхат рақами 2924, 2017 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 35-сон, 942-модда) билан тасдиқланган Тошкент шахридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ**

**335** **Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3250-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон «Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 2021 йил 12 августдаги 513-сон «Ўзбекистон Республикасида электр қуввати билан ҳаракатланадиган автомототранспорт воситаларидан фойдаланишни оммалаштиришга ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги тартиб-таомилларни соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 26 июндаги 147-мҳ-сон буйруфи (рўйхат рақами 3250, 2020 йил 26 июн) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2020 й., 10/20/3250/1012-сон) билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Нотариал палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 июль,  
10-мҳ-сон

*Келишилди:*

**Ўзбекистон Нотариал  
палатаси раиси**

**Д. АШУРОВ**

2023 йил 17 июль

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 26 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2023 йил 25 июлдаги  
10-мх-сон бўйругига  
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги малака  
комиссиялари тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2 ва 18-бандлардаги «Хуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш» деган сўзлар «Нотариат, адвокатура ва хуқуқий хизматлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Хуқуқий хизматлар бўлимининг» деган сўзлар «нотариат, адвокатура ва хуқуқий хизматлар бўлимининг (шўъбасининг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 15-банд «Нотариал палатанинг худудий бошқармаси» деган сўзлардан кейин «томонидан» деган сўз билан тўлдирилсин.

4. 16-банднинг иккинчи хатбошисидаги «уч» деган сўз «ўн» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Малака комиссияси йиғилишида нотариуснинг қатнашмаслиги йиғилиш ўтказишни қолдириш ёки кун тартибидаги унга тегишли масалани кўриб чиқмаслик учун асос бўлиб хисобланмайди.».

6. 26-бандда:

олтинчи хатбошидаги «имзонинг» деган сўз «нотариус имзосининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нотариал харакатни нотариус ўрнига бошқа шахс имзолаши, шунингдек нотариал харакатни амалга оширишда битим тарафи (тарафлари) ёки нотариал харакатни расмийлаштиришда тегишли шахс ўрнига бошқа шахсларнинг иштирок этиши ва тегишли хужжатни имзолашига йўл қўйилганлиги, бундан қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;»;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«нотариал харакатни амалга оширишда ваколати бўлмаган жисмоний шахснинг ёки ваколати бўлмаган юридик шахс вакилининг иштирок этишига йўл қўйилганлиги;

амалга оширилган нотариал харакат «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатга олинмаганлиги.».

7. Қўйидаги мазмундаги 27<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«27<sup>1</sup>. Нотариус лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган даврда ушбу нотариус томонидан содир этилган бошқа қоидабузарлик учун малака комиссияси томонидан янги қарор қабул қилинади. Бунда, қоидабузарлик учун лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш бўйича қўлланилган янги муддат дастлабки муддат ўтиши бошланган кундан бошлаб хисобланади.».

8. 34-банд «Олий малака комиссиясига» деган сўзлардан кейин «апелляция бериш» деган сўз билан тўлдирилсин.

9. Иловада:

жадвалнинг «Т/р» каторидаги «Қоидабузарликлар ҳоллари» деган сўзлар «Қоидабузарликлар ҳоллари\*» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-позициянинг «Қоидабузарликлар ҳоллари» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариал ҳаракатни амалга ошириш ноконунй равишда рад этилганлиги ёки нотариал ҳаракатни амалга оширишдан, шунингдек тақиқни ечиш ёки нотариал ҳаракатлардан нусха беришдан бош тортилганлиги»;

8-позициянинг «Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддатлари» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1 ой (агар 1 ойда бартараф этилмаса, бартараф этилгунига қадар)»;

20-позициянинг «Қоидабузарликлар ҳоллари» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариал ҳаракатлар бўйича тўловлар (давлат божи, герб йиғими, хуқуқий ва техник тусдаги ҳак) нотўри ундирилганлиги ёки тўловлардан ноконунй равишда озод қилинганлиги ёхуд тўловнинг имтиёзли тўланишини асослантирувчи хужжатларнинг нусхаси олиб қолинмаганлиги ёки «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимидан маълумотнома олиб биритирилмаганлиги»;

23 ва 24-позициялар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

23.	Нотариал ҳаракатни расмийлаштириша «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали текширилиши лозим бўлган ҳолатлар текширилмаганлиги ёки нотўри текширилганлиги	1 ой**
24.	Нотариус ўз фаолият кўрсатиш худудида манзили ўзгарганлиги бўйича адлия органига хабарнома бермаганлиги	15 кун

»;

27-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

27.	Нотариусда фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси мавжуд бўлмаганда	15 кун (агар 15 кунда бартараф этилмаса, бартараф этилгунига қадар)
-----	--	---

»;

30-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

30.	Нотариуснинг илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек Нотариал палата ва унинг худудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланганлиги	1 ой (агар 1 ойда бартараф этилмаса, бартараф этилгунига қадар)
-----	--	---

»;

қуидаги мазмундаги 35 — 43-позициялар билан тұлдирилсін:

«

35.	Нотариал тасдиқланған ҳужжаттаға унинг мөхияттің үзгартірмайдын құшымчаларни киритиш ёки унинг аник арифметик хатоларини тузатыш белгиланған тартибда амалға оширилмаганлығы	15 кун
36.	Нотариал ҳаракатни амалға ошириш турига риоя әтилмаганлығы	1 ой
37.	Нотариал ҳаракаттар асосида вужудға келадын күчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар хақидаги маълумоттарни Күчмас мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига киритиш учун давлат рўйхатидан ўтказувчи органга юборилмаганлығи, қонунчилек ҳужжатларида юборилиши белгиланмаган ҳоллар бундан мустасно	15 кун
38.	Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидалари (рўйхат рақами 2020, 2009 йил 19 октябрь) талабларига риоя әтилмаганлығи	1 ой
39.	Қонунчилек ҳужжатларида бажарилишига тўғридан-тўғри чеклов мавжуд бўлган нотариал ҳаракат амалға оширилганлығи	6 ой
40.	Нотариус томонидан нотариал идора ходими ёки бошқа шахснинг нотариал ҳаракат учун қонунчилек ҳужжатларида белгиланганидан ташқари моддий манфаат кўришига йўл қўйилганлығи	4 ой
41.	Иш вақти давомида узрли сабабларсиз иш жойида бўлмаганлығи	15 кун
42.	Қонунчилек ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўйилганлығи	3 ой
43.	Нотариал фаолиятни ташкил этишга оид минимал талабларнинг биттаси ёки бир нечтаси бажарилмаганлығи	15 кун (агар 15 кунда бартараф этилмаса, бартараф этилгунига қадар)

»;

изоҳ қуидаги таҳрирда баён этилсін:

«Изоҳ:

\* мазкур қоидабузарлик ҳолларидан ташқари бошқа қоидабузарликлар содир этилганлик учун лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриши муддати малака комиссияси томонидан қоидабузарликнинг оғир-енгиллигига қараб белгиланади. Бунда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришининг энг кам муддати ўн беш кундан кам, энг кўп муддати олти ойдан кўп бўлмаслиги лозим.

\*\* нотариал ҳаракатни расмийлаштиришида «Нотариус» автомат-

*лаштирилган ахборот тизими орқали текширилиши лозим бўлган ҳолатлар текширилмаганлиги ёки нотўғри текширилганлиги натижасида келиб чиқадиган оқибат учун ушбу Низомда бошқача чора назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.».*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING  
BUYRUG'I

## **336 Doimiy asosda faoliyat ko'rsatuvchi mehnat arbitraji to'g'risidagi namunaviy nizomni tasdiqlash haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
26-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3449*

O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 576-moddasi va Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 3-iyuldagisi 553-son "Ijtimoiy-mehnat masalalari bo'yicha uch tomonloma komissiyalar to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

- Doimiy asosda faoliyat ko'rsatuvchi mehnat arbitraji to'g'risidagi namunaviy nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
- Ushbu buyruq O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi va O'zbekiston Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.
- Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir****B. MUSAYEV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 20-iyul,  
62-2023/B-son

*Kelishildi:*

*O'zbekiston Kasaba uyushmalari  
Federatsiyasi raisi*

**K. RAFIKOV**

2023-yil 15-iyul

*O'zbekiston Savdo-sanoat  
palatasi raisi*

**D. VAXABOV**

2023-yil 17-iyul

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 27-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining  
2023-yil 20-iyuldaggi 62-2023/B-son buyrug'iga  
ILOVA

## **Doimiy asosda faoliyat ko'rsatuvchi mehnat arbitraji to'g'risidagi NAMUNAVIY NIZOM**

Mazkur Namunaviy nizom xodimlar (ularning vakillari) va ish beruvchilar (ularning vakillari) (bundan buyon matnda taraflar deb yuritiladi) o'rtaida yuzaga keladigan jamoaviy mehnat nizosini hal etish (tartibga solish) uchun doimiy asosda faoliyat ko'rsatuvchi mehnat arbitrajining (bundan buyon matnda mehnat arbitraji deb yuritiladi) faoliyatini tashkil etish tartibini belgilaydi.

### **1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Ushbu Namunaviy nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

**jamoaviy mehnat nizosi** — xodimlar (ularning vakillari) va ish beruvchilar (ularning vakillari) o'rtaida yangi mehnat shartlarini belgilash yoki mavjud mehnat shartlarini (shu jumladan, mehnatga haq to'lashni) o'zgartirish, jamoa kelishuvlarini, jamoa shartnomasini, shuningdek qonunchilikka muvofiq xodimlarning vakillari bilan kelishilgan holda qabul qilinadigan mehnat haqidagi boshqa huquqiy hujjatlarni tuzish va o'zgartirish hamda mehnat to'g'risidagi qonunchilikni, mehnat haqidagi boshqa huquqiy hujjatlarni va mehnatni muhofaza qilish qoidalarini qo'llash masalalari bo'yicha tartibga solinmagan kelishmovchiliklar;

**mehnat arbitraji** — yarashtirish komissiyasida kelishuvga erishilmaganda taraflar o'rtaida jamoaviy mehnat nizolarini hal etish (tartibga solish) uchun tuziladigan doimiy asosda faoliyat ko'rsatuvchi organ;

**mediatsiya** — kelib chiqqan nizoni taraflar o'zaro maqbul qarorga erishishi uchun ularning ixtiyoriy roziligi asosida mediator ko'magida hal qilish usuli;

**mediator** — mediatsiyani amalga oshirish uchun taraflar tomonidan jalb etiladigan shaxs;

**jamoaviy mehnat nizosini hal etish (tartibga solish) bo'yicha davlat organlari** — Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar Kambag'allikni qisqartirish va bandlik bosh boshqarmalari;

**mehnat arbitri** (bundan buyon matnda arbitr deb yuritiladi) — jamoaviy mehnat nizosini hal etishni (tartibga solishni) amalga oshiruvchi shaxs;

**ijtimoiy-mehnat masalalari bo'yicha uch tomonlama komissiya** (bundan buyon matnda komissiya deb yuritiladi) — Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 3-iyuldaggi 553-sod "Ijtimoiy-mehnat masalalari bo'yicha uch tomonlama komissiyalar to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Hukumati, Respublika kasaba uyushmalari birlashmalari va Ish beruvchilar respublika birlashmalaridan iborat tarkibda tuziladigan komissiya.

2. Davlat organlari va boshqa tashkilotlar, shuningdek ularning mansabdor

shaxslari mehnat arbitrajining mehnat to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshiriladigan faoliyatiga aralashishga haqli emas.

## **2-bob. Mehnat arbitrajining faoliyatini tashkil etish**

3. Mehnat arbitraji komissiya qaroriga ko‘ra uning huzurida taraflarning kelishuvi asosida hal etish (tartibga solish) uchun o‘ziga topshiriladigan jamoaviy mehnat nizolarini hal etish (tartibga solish) maqsadida tuzilishi mumkin.

4. Komissiya davlat organlari va boshqa tashkilotlarga mehnat arbitrajining tarkibini shakllantirish uchun nomzodlar taqdim etish bo‘yicha so‘rov xati bilan yozma yoki elektron shaklda murojaat qiladi.

Bunda, davlat organlari va boshqa tashkilotlar ushbu so‘rov xati kelib tushgan kundan e’tiboran uch kun ichida komissiyaga tegishli nomzodlarning ro‘yxatini ularning roziligi asosida taqdim etadi.

5. Davlat organlari va boshqa tashkilotlar tomonidan taqdim etilgan nomzodlarning ro‘yxati asosida ushbu ro‘yxat taqdim etilgan kundan e’tiboran uch kun ichida mehnat arbitrajini tuzish va arbitrlarni tayinlash bo‘yicha komissiya qarori qabul qilinadi.

6. Arbitrlar uch yil muddatga tayinlanadi.

7. Mehnat arbitraji respublika darajasida yetti nafar, tarmoq darajasida besh nafar hamda boshlang‘ich va hududiy darajada uch nafar arbitrni o‘z ichiga oladi.

8. Arbitrlarga qo‘yiladigan talablar quyidagilardan iborat hisoblanadi:

oliv ma’lumotga ega bo‘lishi;

mehnat yoki mehnatni muhofaza qilish tizimida kamida uch yillik mehnat stajiga ega bo‘lishi.

9. Arbitrlarining vakolatlari quyidagi asoslarga ko‘ra muddatidan oldin tugatiladi:

arbitr komissiyaga vakolatini muddatdan oldin tugatish bo‘yicha yozma ariza bergen taqdirda;

sud tomonidan muomalaga layoqatsiz yoki muomala layoqati cheklangan deb topilgan taqdirda;

unga nisbatan sudning ayblov hukmi qonuniy kuchga kirgan taqdirda;

sudning qonuniy kuchga kirgan hal qiluv qarori asosida bedarak yo‘qolgan deb topilgan yoxud vafot etgan deb e’lon qilinganda;

arbitrlikka tayinlangan xodimning ish beruvchisi u bilan mehnat shartnomasini bekor qilgan taqdirda;

ish yurituvidagi jamoaviy mehnat nizosining pirovard natijasidan bevosita yoki bilvosita mansaftorligi aniqlangan taqdirda.

10. Arbitrlar jamoaviy mehnat nizosini hal etishda (tartibga solishda) ishtirok etish vaqtida nizoni hal etish (tartibga solish) vaqtি uchun o‘rtacha ish haqi saqlab qolning holda asosiy ishidan ozod qilinadi.

11. Arbitrlar to‘g‘risidagi ma’lumotlar (uning F.I.O., lavozimi, ma’lumoti va arbitrlikka tayinlangan sana) u arbitrlikka tayinlangan kundan e’tiboran bir ish kuni ichida O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining rasmiy veb-saytida joylashtiriladi.

### **3-bob. Mehnat arbitrajining huquq va majburiyatlari**

12. Mehnat arbitrajining huquqlari quyidagilardan iborat:

jamoaviy mehnat nizosiga taalluqli bo‘lgan zarur hujjatlar va ma’lumotlarni olish;

jamoaviy mehnat nizosiga oid tegishli axborotga ega bo‘lgan shaxslarni jalgilish va ularning roziligi bilan yozma tushuntirishlar olish;

jamoaviy mehnat nizosini hal etish (tartibga solish) uchun uning sabab va shart-sharoitlarini joyiga chiqib o‘rganish.

13. Mehnat arbitrajining majburiyatları quyidagilardan iborat:

jamoaviy mehnat nizosi taraflarining murojaatlarini ko‘rib chiqish;

jamoaviy mehnat nizosi taraflariga ularning huquq va majburiyatlarini tushuntirish;

zarur bo‘lgan hollarda, davlat boshqaruvi organlari va boshqa tashkilotlarni jamoaviy mehnat nizosining ehtimol tutilgan ijtimoiy, iqtisodiy va boshqa oqibatlari to‘g‘risida xabardor qilish;

jamoaviy mehnat nizosining mohiyatiga ko‘ra qaror qabul qilish;

jamoaviy mehnat nizosini ko‘rib chiqish vaqtida o‘ziga ma’lum bo‘lgan ma’lumotlarni oshkor qilmaslik.

### **4-bob. Jamoaviy mehnat nizosini ko‘rib chiqish**

14. Jamoaviy mehnat nizosining taraflari quyidagi asoslarga (sabablarga) ko‘ra ushbu nizoni mehnat arbitrajida hal etish (tartibga solish) yuzasidan muzokaralar o‘tkazishi shart:

jamoaviy mehnat nizosini mediator ishtirokida hal etish (tartibga solish) yakunlanganidan keyin kelishmovchiliklar bayonnomasi tuzilgan taqdirda;

mediator nomzodi xususida jamoaviy mehnat nizosi taraflarining kelishuviga erishilishi kerak bo‘lgan muddat tugagan taqdirda;

taraflarning yoki taraflardan biri jamoaviy mehnat nizosini mediator ishtirokida hal etishni (tartibga solishni) rad etganligi to‘g‘risidagi bayonnomalar rasmiylashtirilgan taqdirda.

15. Jamoaviy mehnat nizosining taraflari o‘zaro muzokara natijasida mazkur nizoni mehnat arbitrajida hal etishga (tartibga solishga) rozi bo‘lgan taqdirda, ular tomonidan ushbu nizo yuzasidan ariza mehnat arbitrajiga topshirilgunga qadar mehnat arbitrajining qarorlarini bajarish majburiyligi to‘g‘risidagi shartni o‘z ichiga olgan tegishli kelishuv tuziladi.

Jamoaviy mehnat nizosi taraflarining vakillari muzokara o‘tkazilgan kundan e’tiboran quyidagi muddatlarda ushbu nizo yuzasidan arizani mehnat arbitrajida hal etish (tartibga solish) uchun komissiya kotibiyatiga yozma yoki elektron shaklda topshirishi shart:

ijtimoiy sheriklikning birlamchi darajasida (boshlang‘ich va hududiy darajada) ikki ish kunigacha bo‘lgan muddatda;

ijtimoiy sheriklikning boshqa darajalarida (respublika va tarmoq darajasida) esa to‘rt ish kunigacha bo‘lgan muddatda.

Bunda, komissiya kotibiyati ushbu arizani shu kunning o'zida arbitrga (arbitrlarga) topshirishi zarur.

16. Mehnat arbitraji jamoaviy mehnat nizosi topshirilgan kundan e'tiboran bir ish kuni ichida jamoaviy mehnat nizosi taraflari va boshqa uchinchi shaxslarni, zaruriyatga ko'ra, ekspert va mutaxassislarni ham ishni ko'rib chiqish vaqtiga joyi haqida xabardor qiladi.

Xabardor qilingan boshqa uchinchi shaxslarning kelmaganligi jamoaviy mehnat nizosining ko'rib chiqilishiga to'sqinlik qilmaydi.

17. Mehnat arbitraji tomonidan jamoaviy mehnat nizosi ushbu arbitrajiga hal etish (tartibga solish) uchun topshirilgan kundan e'tiboran quyidagi muddatlarda hal etilishi (tartibga solinishi) shart:

ijtimoiy sheriklikning birlamchi darajasida (boslang'ich va hududiy darajada) jamoaviy mehnat nizosini hal etishda (tartibga solishda) besh ish kunigacha bo'lган muddatda;

ijtimoiy sheriklikning boshqa darajalarida (respublika va tarmoq darajasida) hal etishda esa o'n ish kunigacha bo'lган muddatda.

18. Mehnat arbitraji jamoaviy mehnat nizosini ushbu nizo taraflari (ularning vakillari) ishtirokida ko'rib chiqadi.

Bunda:

respublika darajasidagi jamoaviy mehnat nizosi yetti nafar arbitr tomonidan; tarmoq darajasidagi jamoaviy mehnat nizosi besh nafar arbitr tomonidan;

boslang'ich va hududiy darajadagi jamoaviy mehnat nizosi uch nafar arbitr tomonidan ko'rib chiqilishi lozim.

19. Mehnat arbitraji jamoaviy mehnat nizosini ko'rib chiqishda hamda ushbu nizoga taalluqli bo'lган hujrat va ma'lumotlarni tarjima qilishda tarjimon xizmatidan foydalanishi mumkin.

20. Mehnat arbitrajining majlisida bayonnomma yuritiladi, bunda ushbu bayonnomma arbitrlar tomonidan imzolanadi.

21. Mehnat arbitraji jamoaviy mehnat nizosining holatlari tekshirilganidan so'ng, uning mohiyatiga ko'ra qaror qabul qiladi.

Bunda, respublika yoki tarmoq yoxud boslang'ich va hududiy darajadagi jamoaviy mehnat nizosi bo'yicha ushbu nizoni ko'rib chiqayotgan arbitrlarning ko'pchilik ovozi bilan qaror qabul qilinadi.

22. Mehnat arbitraji tomonidan jamoaviy mehnat nizosi bo'yicha quyidagi qarorlardan biri qabul qilinadi:

taraflar tomonidan jamoaviy mehnat nizosini hal qilish bo'yicha kelishuvga erishganligi to'g'risida;

taraflardan biri jamoaviy mehnat nizosi yuzasidan ko'rib chiqilayotgan talabdan voz kechganligi to'g'risida;

jamoaviy mehnat nizosini ko'rib chiqish natijasi bo'yicha taraflardan birining foydasiga qaror qabul qilish to'g'risida.

23. Mehnat arbitrajining qarori u qabul qilingan kundan e'tiboran keyingi ish kunidan kechiktirmay jamoaviy mehnat nizosi taraflariga yozma yoki elektron shaklda topshiriladi.

24. Mehnat arbitrajining qarorida quyidagilar ko'rsatilishi kerak:

jamoaviy mehnat nizosi yuzaga kelgan davlat organi yoki boshqa tashkilotning nomi;

mehnat arbitrajining tarkibi to‘g‘risidagi ma’lumotlar;  
qaror qabul qilingan joy va sana;  
taraflar yoki ularning vakillarining familiyasi, ismi, otasining ismi va lavozimi;  
jamoaviy mehnat nizosining predmeti va uning mazmun-mohiyati;  
mehnat arbitrajining qaroriga olib kelgan asoslar (dalillar), shuningdek tegishli qonunchilik hujjatlariga havolalar;  
arbitrlarning imzolari.

25. Mehnat arbitrajining qarori jamoaviy mehnat nizosi taraflari uchun majburiy kuchga ega hisoblanadi.

26. Mehnat arbitrajining qarori bajarilishi ustidan nazorat jamoaviy mehnat nizosining taraflari, shuningdek jamoaviy mehnat nizosini hal etish (tartibga solish) bo‘yicha davlat organlari tomonidan amalga oshiriladi.

27. O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan jamoaviy mehnat nizolari yuzasidan chiqarilgan qarorlarning yagona elektron reyestri yuritiladi.

Bunda, ushbu reyestrda jamoaviy mehnat nizolari yuzasidan chiqarilgan qarorning raqami va sanasi hamda arbitrnning familiyasi, ismi, otasining ismi ko‘rsatiladi.

### **5-bob. Yakuniy qoida**

28. Ushbu Namunaviy nizom talablari buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javob beradi.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий хужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligining 2023-yil 11-iyuldagagi 254-mh-son hamda O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2023-yil 10-iyuldagagi 55-son “Mobil aloqa xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxslar (uyali aloqa kompaniyalari) tomonidan abonent raqamidan foydalanganlik uchun to‘lovlarni hisoblash va to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

**2023-yil 21-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2329-8.**

2. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligining 2023-yil 10-iyuldagagi 01/14-14/24-son va Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2023-yil 3-iyuldagagi 27-son “Korporativ buyurtmachilarning xarid komissiyalari tomonidan dastlabki malaka tanlovini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi namunaviy nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

**2023-yil 24-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3324-1.**

3. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2023-yil 14-iyuldagagi 59-son “Aktuar xizmatlarini ko‘rsatish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

**2023-yil 24-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1975-4.**

4. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2023-yil 14-iyuldagagi 58-son “Sug‘urtalovchining muvaqqat ma’muriyati to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

**2023-yil 24-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2058-2.**

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 27 июндаги 42-сон «Солиқ ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 1 — 9-иловаларига ўзgartиришлар киритиш хақида»ги буйруфи.

**2023 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-5.**

6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 5 июлдаги 48-сон «Утилизация қилинган табиий (машъал) газ бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом-

ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгаришишни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги бўйруғи.

***2023 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2122-2.***

7. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 3 июлдаги 124-сон «Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришилар киритиш ҳақида»ги бўйруғи.

***2023 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521-2.***

8. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 6 июлдаги 52-сон «Давлат бошқаруви тизимининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларига ўзгаришилар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи.

***2023 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3448.***

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 25 июлдаги 10-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги бўйруғи.

***2023 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3250-1.***

10. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 20-iyuldag‘i 62-2023/B-son “Doimiy asosda faoliyat ko‘rsatuvchi mehnat arbitraji to‘g‘risidagi namunaviy nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

***2023-yil 26-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3449.***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўми-тасининг 2010 йил 21 июндаги 49, 2010-25-сон «Утилизация қилинган табиий (машъял) газ бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2122, 2010 йил 17 июль), шунингдек унга ўзгаришиш (рўйхат рақами 2122-1, 2016 йил 14 июнь).

***2023 йил 24 июлда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгаришиш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**